

Фармоннинг амалга оширилиши мамлакат иқтисодиётига барқарор ривожлантиришнинг асосий омили сифатида тadbirkorлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги маъмурий говлар ва сунъий тўсиқларни бартараф қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан белгиланган йўлнинг уз-йўлиги ва изчиллигини таъминлаш имконини беради.

2016 йил — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

СПОРТ

Нодирбекнинг ЮТУҒИ

Россиянинг Ханти-Мансийск шаҳрида 14, 16 ва 18 ёшгача бўлган шохматчилар ўртасида жаҳон чемпионати якуниланди. Дунёнинг етмишга яқин давлатидан жами 412 (221 нафар ўғил, 191 қиз бола) спортчи қатнашган ушбу нуфузли мусобақада юртимиздан олти шохматчи қатнашди.

Мусобақанинг 14 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги баҳсларида етмиш олти нафар иштирокчи ўзaro донна сурди. Қувонарлиси, унда иккитали шохматчимиз Нодирбек Ёқубов бронза медалига сазовор бўлди.

Нодирбек 11 имкониятдан 8 очко жамғариб, кўшимча кўрсаткичларга қўра, мусобақанинг фахрли учинчи поғонасидан жой олди. У охириги турда қора донларда ўйнашига қарамай, рейтингда ўзидан юқори ўринда бораётган украинлик Кирилл Шевченко мағлубиятга учратди.

Эслатиб ўтамиз, умидли шохматчимиз Нодирбек Ёқубов шу йилнинг апрелида Улан-Батор (Мўғулистон)да ўтказилган Осиё чемпионатида 14 ёшгача бўлган шохматчилар ўртасида блиц йўналишида олтин, рапид бўйича кумуш медал билан тақдирланганди.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,
ЎзДЖТУ магистри.

Ўзбекистон — Эрон терма жамоалари баҳсини австралиялик ҳакамлар бошқаради

Бугун юртимизда катта футбол байрами. 2018 йил Россияда бўладиган жаҳон чемпионати Осиё минтақаси учинчи саралаш босқичи учинчи турида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Тошкентда Эрон футболчиларига қарши майдонга тушади.



Учрашувни австралиялик рефери Бенжамин Уильямс бошқариб боради. Унга ҳамюртлари лансменлар Дэвид Уэлш ҳамда Натан Макдоналд ёрдам беради. Заҳирадаги ҳакам Жаред Жиллет ҳам Австралиядан ташриф буюради.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон — Эрон терма жамоалари баҳси соат 18.00 да пойтахтимиздаги «Бунёдкор» стадионида бошланади.

Тошкент кучлиларни сараламоқда

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт саройи дзюдо бўйича яна бир нуфузли мусобақага мезбонлик қилмоқда. Гран-при туркумидаги мазкур халқаро турнирда дунёнинг ўн бешдан зиёд давлатидан 140 нафар спортчи голиблик учун баҳс юритяпти.

Туртинчи бор ташкил этилаётган ушбу мусобақада эркаклар ва аёллар еттигача вазн тоифасида ўз омадларини синаб кўришади. Дастурга қўра, бугунги беллашуларда эркаклар икки (60 кг, 66 кг), аёллар эса уч (48 кг, 52 кг ва 57 кг) вазн тоифасида кучлиларни аниқлашади.

Мезбон сифатида Ўзбекистон терма жамоаси ҳар бир вазн тоифасида тўрт нафардан дзюдочилар билан гиламга чиқиш имкониятига эга. Беллашуларда жами эллик олти нафар полонимиз медаллар учун кураш олиб боради.

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология марказида мамлакатимиз миқёсида биринчилардан бўлиб, бепуштлиқни даволашнинг ноёб усуллари қўлланила бошланди.

БЕХАТАР ОНАЛИК БАХТИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), ЮНЕСКО ва Жаҳон банки 1987 йилда оналар ўлими ва перинатал даври касалликларини камайтириш мақсадида Беҳатар оналик ташаббуси билан чиққан эди. Беҳатар оналик фақат оналар касаллиги ва ўлимнинг олдини олибгина қолмай, она ва бола тўғрисида ғамхўрлик қилишни ҳам кўзда тутди. Булар туғруққача, туғиш вақтида ва туғқандан кейинги даврда аёлнинг жисмоний, ақлий ва ижтимоий фаровонлигини ҳамда соғлом бола туғилиши ва соғлом болалик каби ўта муҳим масалалардан иборатдир.

Пойтахтимиздаги 6-туғруқ мажмуаси жамоаси ўтган 2015 йилда йилнинг «Энг намунали тиббиёт муассасаси» деб топилди.

— Мажмуамиз 225 туғруқ ўрнига мўлжалланган бўлиб, тиббиётнинг энг илғор технологиялари билан жиҳозланган, — дейди даволаш ишлари бўйича бош врач ўринбосари Салоҳиддин Мўминов. — Ўтган йиллар мобайнида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида туғруқхона барча талабларга жавоб берадиган даволаш муассасасига айланди.

Туғруқхонада фарзанд кутаётган оналар, янги туғилган чақалоқларни парвартиш учун энг сўнгги русумдаги замонавий тиббий технологиялар хизматидан фойдаланилмоқда. Чақалоқларни сунъий нафас олдиришга мўлжалланган мослама, оптик видеотизим сингари тиббий асбоб-ускуналар нуксон билан туғилган чақалоқларни соғломлаштиришда қўл келади.

Ҳамшира ва шифокорларнинг касбий маҳоратини, ўз ишига масъулиятини ошириш мақсадида етук мутахассислар иштирокида ҳар ойда бир неча маротаба ўқув-масхулотлари ташкил қилинади. Шунингдек, тиббиёт ходимлари белгиланган муддатда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг малака ошириш курсларига жалб қилинади. Бир гуруҳ шифокорлар Андижон, Наманган, Жиззах, Сурхондарё, Самар-

қанд, Қорақалпоғистон Республикасидаги кишлоқ врачлик пунктларида бўлиб, жойларда фаолият кўрсатаётган ҳамкасблари билан ўзаро тажриба алмашдилар.

Туғруқхонада ўз касбининг моҳир устаси бўлган тажрибали шифокорлар, катта акушерларнинг кунни тунга улаб, ҳар бир она ва бола саломатлиги йўлида жонқурлик қилиши табиий ҳолга айланган. Улар ҳар бир гўдак соғлом саломат туғилиши учун туғруққача ва туғруқ пайтида қилиниши лозим бўлган муолажаларга масъулият билан ёндашиб, ўз вазифасини сидқидилдан адо этмоқда.

Ҳомилалар аёлларга замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 2 туғруқ зали хизмат кўрсатади. Бир йилда беш минг нафаргача чақалоқларнинг овози янграйдиган бу муассасада ҳар бир гўдак, ҳар бир она врач назоратида бўлади.

— Бизда фарзанд туғилиши билан она-бола туғруқ залидан палатага чиқарилади. Бу — гўдак она исини ҳис қилиши, озуқаланиши учун ниятда аҳамиятли, — дейди катта акушер Раҳима Ғофурова. — Илк дақиқалардан она гўдагига кўкрак тутди, чунки она сути турли микроэлементларга бой ва боланинг ҳаётий фаолияти учун ўрнини ҳеч нарса боса олмайдиган озуқа ҳисобланади. Муассасада фаолият кўрсатадиган «Оналар мактаби» биринчи фарзандни кутаётган ёш оналарга фойдали йўл-йўриқ ва маслаҳат беради.

ликлар билан туғилиш, ногиронлик ҳамда қўқумли касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болаларга юксак сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд, — дейди Салоҳиддин Мўминов. — Хусусан, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология марказида мамлакатимиз миқёсида биринчилардан бўлиб, бепуш-



Ушбу сурат.

лиқни даволашнинг ноёб усуллари қўлланила бошланди.

Тиббиёт марказида ҳомилалар аёлларда скрининг текширувлари ўтказилиши туфайли мингдан ногирон болалар туғилишининг олдини олишга эришилмоқда. Қолаверса, турли аномалияли туғма хасталиклар жарроҳлик йўли билан муваффақиятли даволанмоқда.

2000 йилдан буён мамлакатимизда ирсий ва туғма нуксонли болалар туғилиши 1,8 баробар камайди. Сўнгги ўн йилда вазини тиббиётда кўзда тутилган меъёрдан кам бўлган болалар сони икки баробардан зиёд (4 фоиздан 1,8 фоизга) қисқарди, уларнинг бўйи ўртача 3 сантиметрга ўсди.

Юртимизга тажриба алмашиш мақсадида келаятган хорижлик мутахассислар тиббиёт муассасаларида олиб бори-

ўз кўзлари билан кўриб, ҳақиқатан ҳам бизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат юксак самара бераётганини эътироф этмоқда.

Мажмуада туғруқ, гинекология, чақалоқларни жонлан-тириш бўлимлари бор. Мавжуд икки бўлимда бир йилда 2500 дан 2700 нафаргача соғлом туғруқлар қабул қилиб олинади.

...Янги туғилган чақалоқ йиғиси оналик бахтига муяссар бўлган, фарзандини соғломат бағрига олган аёл чехрасига хушнудлик, ҳаётдан розилик туйғуларини бахш этади. Чақалоқ хабарини эшитган нуруний кексаларимиз «Ёруғ олам муборак, умринг узун, бахтинг бутун бўлсин, боини қилишади. Ҳа, ҳар бир туғилган соғлом зурриёд — оила қувончи, миллат келажигидир.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲИҚМАТЛАР ХАЗИНАСИ

ИГНАДЕК ТЕШИКДАН ТУЯДЕК СОВУҚ КИРАДИ

Бу мақолни тўғридан-тўғри шу маънода ҳам, «киш-қировли кунларга олдиндан пухта ҳозирлик кўриб қўй, уйингнинг телва-тешикларини бекитиб, совуқ киймайдиган қилиб ол», деган маънода ҳам, мажозан: «Озгина, кичкина камчиликни, хавфхатарни назар-писанд қилмай юрма, шундан сенга катта зиён-заҳмат етиши мумкин, эҳтиёт бўл, олдини ол, даф қил», деган маънода ҳам қўллайдилар.

ИГНАЧИНИНГ МИНГ УРГАНИ — ТЕМИРЧИНИНГ БИР УРГАНИ

Турдошлари: «Игначининг минг ургани босқончининг бир ургани» (босқончи — темирчилик устахонасида қиздирилган темирни катта болга билан урувчи); «Мискарнинг минг ургани — босқончининг бир ургани»; «Яканчининг минг ургани — темирчининг бир ургани»; «Заргарнинг минг ургани — чилангарнинг бир ургани»; «Кудунгарнинг минг ургани — босқончининг бир ургани» (Кудунгар — атлас ва бекасамни кудунг (тўқмоқ) билан уриб, силқовчи уста); «Омончинг ўн боргани — моланинг бир боргани». Бу мақолларни бирор ишни узок вақт қийналиб, зўр-базўр амалга оширадиган одам билан худди шу ишни бирпасда осонгина амалга ошириб қўядиган одамни бир-бирига таққослаганларида (масалан: «Боланинг ўн кунда қиладиган ишини ота бир кунда қилиб қўяди»; «Боланинг ўн кун ишлаб топадиган маблағини ота бир кунда топа олади», демоқчи бўлганларида) айтадилар.

ИККИ ЁРТИ — БИР БУТУН

Бу мақолни кўпинча деҳқонлар туйшақ қилганларида айтганлар. Туйшақ шундай бўлади: айтилик, бир деҳқоннинг бир ҳўкизи бор. Ер ҳайдаш учун эса икки ҳўкиз керак. Шунда у ўзига ўхшаган яқна ҳўкизлик деҳқон билан битишадида, ҳўкизини жуфт қилиб, ерини ҳайдаб олади. Кейин у деҳқон ҳам бунинг ҳўкизидан фойдаланиб, ерини ҳайдаб олади. Шундай қилиб, иккаласининг ҳам иши битидади. Мисоли: бир одам муайян ишнинг бир томонини билади-ю, бир томонини билмайди. Иккинчи одам эса бунинг аксича, ишнинг у томонини билади-ю, бу томонини билмайди. Демак, иккаласи ҳам «яримта» одам. Агар улар қўшилишса, бир бутун бўлиб, ишни битказишади. Мақолнинг замирида кишиларни бирлаштиришга, ҳамкорликка даъват этувчи фикр яширинган.

РЕКЛАМА

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан,
г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871)
262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33,
(+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru
Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIK HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Saidkamol
XODJAYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.
Korxonalar: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1059
8634
naxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 01.09
Toshirilgan vaqti — 02.10

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

